


ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ



кавийлиги ва самарадорлигини баҳолаш им- маблағларнинг манзиллигининг ортишига
тонини беради; хизмат қилади.

- аниқ мақсадга йўналтирилган дастур-
ларни амалга оширилишга йўналтирилган

Адабиётлар

1. «Мировой опыт применения программно-целевого подхода в научно-технической сфере». Информационно-аналитический журнал «Новости науки и технологий» /учредитель ГУ «БелИСА». — Минск: ГУ «БелИСА», 2008, № 3(9)
2. *Performance Budgeting: Past Initiatives Offer Insights for GPRA Implementation*. 1997. US GAO.
3. *Performance Budgeting: Current Developments and Future Prospects*. 2003. US GAO.
4. RGS (State General Accounting Department of France), "Budgeting in EU Member States, 2007, www.rgs.mef.gov.it
5. Erlendsson J., (2002), "Value for Money Studies in Higher Education". www.3hi.is/~joner/eaps/wh_vfme.htm, R. Glendinning, (1988) "The Concept of Value for Money", *International Journal of Public Sector Management*, Vol. 1 Iss: 1, pp.42 – 50.
6. *Best Value Accounting Code of Practice*.

Тадқ. А. Матрузиев

Валюта бозори механизми

В статье рассматриваются вопросы о сущности валютного рынка, механизмы формирования и развития валютного рынка, влияние факторов на курс валюты в условиях рыночной экономики.

The article deals with questions about the essence of the currency market mechanisms of formation and development of the foreign exchange market, the impact of factors on the exchange rate in a market economy.

Мақолада валюта бозорининг моҳияти, бозор иқтисодиётида бу бозорнинг шаклланиши ва ривожланиши механизми, валюта курси ўзгаришига таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ масалалар кўрилган.

Калитли сўзлар: реал курс, сузиб юрувчи курс, валюта бозори, валюта бозори механизми, валюта алмашув курси, миллий валюта, девальвация, ички нарх, талаб ва таклиф, қиймат муносабатлари.

Валюта бозорида валюталарнинг олиб-сотилиши умумий муносабатларни ифода-лайди. Валюта бозорлари одатда, миллий валюта бозори, минтақа валюта бозори ва жаҳон бозорлари шаклида бўлади. Жаҳон валюта бозори Лондон, Нью-Йорк, Париж, Цюрих, Франкфурт-на-Майне, Токио, Сингапур, Сягин ва Бахрейнда жойлашган. Уларда дунёда кўп қўлланиладиган валюта-лар билан, минтақа валюта бозорларига эса асосан шу минтақада кўп қўлланилади-ган валюталар орқали валюта операциялари ўтказилади.


Миллий валюта бозори ҳамма миллий давлатларда валюта операцияларини амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам валютанинг реал курсини ҳисоблаш, яъни унинг харид қобилиятини аниқлаш зарур. Валютанинг харид қобилияти, одатда, солиштирилаётган давлатдаги худди шу товар ёки хизматлар-нинг баҳоларга солиштирилади. Валюта алмашув курси икки кўринишда бўлади:

- эркин сузиб юрувчи валюта курси. Бу ҳолатда давлат тўлиқ валюта бозоридан таъ-

қарида амалга оширилади ва валюта курси талаб ва таклиф асосида белгиланади.

Агарда валюта бозори тенглик аломати (A) да бўлса, доллар миқдорини, кўпайиши валюта курсини V_1 дан V_2 гача камайишига олиб келади. Натижада АҚШ товарларига бўлган талаб ўсганлигини билдиради. Чунки АҚШ товарлари арзонлашган бўлади. Нати-жада долларга бўлган талаб ўсади. Натижада таклиф эгри чизиғи (SS) (S_1S_1) томонга сил-жийди ва янги (B) тенглик аломатига олиб келади.

Албатта, валюта бозорида бу моделлар бундай ҳолатда ҳар доим ҳам бўлавермайди ва бу моделлар бир-бирларини доимий ра-вишда тўлдириб туради. Эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти даврида кўпроқ валюта бозори бошқарувидан давлат фойдаланади. Валюта бозорида эркин сузиб юрувчи валюта курсини мувофиқлаштириш учун валюта интервенциясини (босқичлигини) амалга ошириш мақсадида маълум ҳажмда пул мас-сасини бозорга чиқариб, валюта курсини те-гишли йўналишга олиб келишини таъмин-лайди.



2-чизма. Сузиб юрвчи валюта курсида валюта бозори механизми

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давом этаётган бир пайтда республикаимизда унинг олдини олиш йўллари ва чоралари ишлаб чиқилди. Шулардан асосийси банклар ликвидлиги, яъни уларнинг тўлов қобилиятлари мустаҳкамланди. Фақат 2007-2008 йиллар ичида банкларнинг активи миқдори 3,5 кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлаш хажми 4 баробарга кўпайтирилди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

“Микроиқтисодиётбанк”нинг устав фонди Президент фармонида асосан 7,2 миллиард сўмдан 150 миллиард сўмга етказилди. Шу икки йил ичида чет элдан жалб қилинган инвестиция маблағлари 2,5 баробарга кўпайтирилди.

2009 йилда мамлакат иқтисодиётига жалб қилинган барча инвестиция маблағлари ишлаб чиқилган ялпи миллий маҳсулотнинг 25 фоизига тўғри келган эди. Натижада 2008 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизни, хизмат кўрсатиш хажми 21,3 фоизга, кишлок хўжалиги маҳсулотларини 21,4 фоизга, ишлаб чиқариш 4,5 фоизга савдо соҳасида эса ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга кўпайган бўлса бу иқтисодий кўрсаткичлар 2012 йилда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда 8,2 фоизни саноат ишлаб чиқариш хажми 7,7 фоизни кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 70 фоизни, чакана савдо айланмасида эса 13,9 фоизга етганлигини кўриш мумкин. Инфляция даражаси 7,0 фоизни ташкил этган.


2012 йилда экспорт хажмини 11,6 фоизга кўпайиб экспорт қилинаётган умумий маҳсулотлар хажмида хом ашё ҳисобига кўплигига товарларнинг улуши 70 фоиздан ортиқ бўлган.

Агарда валюта бозорида тенглик аломати А да ва 1 доллар V да бўлса, доллар баҳосини кўпайишига таъсир этиш мумкин. Марказий банк, одатда, олдида қўйилган мақсадга қараб, валюта бозорига доллар массасини кўпроқ чиқариб, муомолада бўлган долларни керакли миқдорини сотиб олиш орқали доллар курсини ошириш мумкин. Бу ҳолатда бозордаги таклиф S дан S1 ҳаракатда бўлади ва доллар курси ошади.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкин. Сузиб юрвчи ёки мосланувчан валюта курси алмашув курсида маълум қийинчиликлардан холи эмас. У алмашув курсини расмий ўзгариб туришини ифодалайди. Бу, ўз навбатида, халқаро иқтисодий муносабатларда ортиқча ҳаражатларга олиб келади. Сузиб юрвчи ёки мосланувчан валюта курси узок муддатга зарурий эгилувчанликка эга бўлганлиги учун зарурий муносабатлар ташкил топишини таъминлайди. Қатъий алмашув курси эса қисқа муддатларда валюта муносабатларининг доимийлигини таъминлайди, узок муддатларда эса у эгилувчан бўлмасдан халқаро муносабатларни ривожланишига салбий таъсир этади. Миллий валютани конвертациялашни таъминлаш ва уни курсини ушлаб туриш учун валюта захирасини тўлдириб бориш зарур. Бунинг учун ҳозирги даврда республикада асосан хом ашё ресурслари тайёр маҳсулотларни ишлаб чи-

МОЛИЯ ВА СОЛИҚ

қариш ва экспорт қилишни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.



2-расм. Валюта бозори бошқарувида валюта бозори механизми

Айрибошлаш курси ва пулнинг қадрсизланиши ўзаро боғлиқдир. Буни аҳолининг истеъмол талабалирини қондириш даражаси асосида белгилаш мумкин. Валюта бозори бўйича портфель баланси модели Р.Дорнбуш томонидан ишлаб чиқилган. Бундай модель негиздаги асосий эҳтимол хорижий валюта иқтисодий агентлар томонидан активларнинг бир тури сифатида ишлатилиши ҳисобланади. Бу ўринда валюта ҳам сугурталаш, ҳам молия маблағини сақлаш воситаси сифатида қўлланади. Молия корхоналарига бўлган ишончнинг йўқолиши, паст, баъзан қоникарсиз фоиз ставкалари, инфляция, солиқ ва сиёсий муҳитлар мавҳумлиги хорижий валютага бўлган эҳтиёжнинг қутилмаган ўзгаришларини келтириб чиқарди. Бу каби моделларда эҳтимоллик валюта бозоридаги эҳтиёж ва талабни қисқа муддатга суришни аниқлашда асосий рол ўйнайди. Бундай моделни ишлаши иккита ҳолатга боғлиқ. Биринчи ҳолатда ҳукумат иқтисодий агентлар қутмаган ҳолда девальвация ўтказди. Девальвациядан сўнг айрибошлаш курси параллел бозорда кескин равишда кўтарилди. Иқтисодий бирликлар маҳаллий валютадан хорижий валютага ўтади. Девальвациядан сўнг паритет ўзгариши муқофот ва валюта таъминотининг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолат курс янги мувозанат даражасига келмагунча ва иқтисодий агентлар қўлларида етарли даражада хорижий валюта жамғармаси тўплангунча давом этади. Иккинчи ҳолатда девальвация бўлиши натижасида, параллел бозорда курс кўтарилди, молия бозори мижозларининг қўлида биринчи ҳолатдагидек, бирдан бўлмаса ҳам аста-секинлик билан хорижий валюта жамғар-

маси кўпайиб боради. Девальвация ўтказилгандан сўнг муқофот миқдори экспортчиларнинг экспорт нарҳини пасайтириш, импортчиларнинг эса импорт нарҳини кўтариш иштиёқини сўндиради. Бунинг натижасида маблағ параллел бозордан ҳақиқий бозорга оқиб келади ва норасмий валюта бозорининг ҳажми қисқаради.

Айрибошлаш курси ва инфляциянинг ўзаро алоқаси иқтисодиёт назарияси фанининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. АҚШда айрибошлаш курсининг ўзгариши кўпинча пулнинг ички қадрсизланишига боғлиқ ҳолда аниқланади. Кичик иқтисодиётда аввал айрибошлаш курси, сўнгра ички пул даражаси ўзгаради. Айрибошлаш курси нарҳга иккита йўл билан таъсир этади: товар импорти ва иқтисодий агентларнинг тахмини. Курс ўсиши билан импорт нарҳи ҳам кўтарилди ва шу ўринда иқтисодий агентларнинг пул қадрсизланишига доир тахминларини келтириб чиқаради. Бу жараёнлар натижасида харид ва ишлаб чиқариш нарҳлари кўтарилди. Демак, аҳолининг турмуш даражаси бир маромда бўлишини таъминлаш, қашшоқлашиб кетишини олдини олишда валюта бозори қатга аҳамиятга эга бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, миллий валютага нисбатан хорижий валюта курсининг пасайиши мамлакатда валюта тушуми, миллий бойликнинг кўпайишини келтириб чиқаради. Пулнинг қадрсизланиши эса аксинча, давлат томонидан ўз валютаси қувватини сақлаб туриш учун олтин-валюта захираларини қисман муомолага чиқаришга мажбур қилади. Пулнинг жамиятда қадрсизланиб кетиши эса мазкур пул бирлигининг девальвация қи-

лишни кун тартибига кўяди. Ички нарх, одатда, валюта курси қийматлашган ҳолатга нисбатан секинроқ ва оз миқдорда кўтарилади ва у бизнингча, қуйидаги сабабларга боғлиқ бўлади:

- товарларнинг мамлакат ичида ишлаб чиқарилиши ва хорижий товарларга нисбатан рақобат сезилмаслиги. Миллий валютанинг қийматсизлашгани натижасида уларнинг нархи умумий нарх кўтарилиши билан ошади;

- хизмат ва ишлаб чиқариш омилларининг нархи ташқи нархга бевосита боғлиқ эмас.

Айрибошлаш курсининг инфляцияга таъсири, асосан импорт қилинадиган ва мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар нисбати ва улар бир-бирининг ўрнини тўлдириши, тарифлар ва квоталар тизими, аҳолининг ҳукумат сиёсатига бўлган ишончи каби омиллар воситасида амалга оширилиши керак. Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиши (девальвация бўлиши) ички нархлар кўтарилиши омилдир.

Айрибошлаш курси ва инфляция бир-бири билан қандай боғланганлиги тўғрисида бир қанча назариялар, қарашлар мавжуд. Ушбу тақлидий ёндашув айрибошлаш курси ва нарх-наво даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик айрибошлаш курсидаги ўзгариш, нисбий нархларнинг ўзгаришига ва халқаро рақобатга чидамлилиқнинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ, айрибошлаш курсларининг ички нарх-наво даражасига таъсири иқтисодийнинг ошқоралик аҳоли ва даражасига боғлиқ. Ошқоралик даражаси, одатда, ташқи савдо оборотининг ЯИМга нисбати, савдо учун тариф ва нотариф тўсиқларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, шунингдек, сармоя ҳаракатига нисбатан чекловларни қўллаш орқали ўлчанади. Анъанавий ёндашув тарафдорлари айрибошлаш курси ва инфляциянинг ўзаро таъсирини ташқи иқтисодий алоқаларнинг мураккаб тизимида кўриб чиқадилар. Агар мамлакатнинг ошқоралик даражаси юқори бўлса, ҳар қандай экзоген (ташқи) фалажликлар айрибошлаш курслари орқали ички нарх-наво даражасига таъсир кўрсатади. Ўтган асрнинг 70-йилларида рўй берган нефть таназзули бу борада ўзига хос мисолдир. Маълумки, унинг натижасида нефть им-

порт қилувчи барча ривожланган мамлакатларда нарх-наво сезиларли даражада ошган эди.

Одатда, анъанавий ёндашувга асосланувчи моделларда айрибошлаш курси ва нарх-наво қуйидаги ўзаро ҳамкорлик механизмига боғлиқ; айрибошлаш курсининг пасайтирилиши истеъмолчилар учун импортнинг қимматлашувини келтириб чиқаради. Импорт товарлари нархларининг нисбатан бундай қимматлашуви истеъмолчиларни четдан келтириладиган товарлардан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларга жалб килади ва умумий нарх-наво ўсишига олиб келади. Нарх-навонинг умумий ўсиши охиروқибатида аҳоли реал даромадлари ва бойлигини камайтиради ҳамда умумий талабни қисқартиради.

Ҳарид қилиш қобилияти назарияси XIV асрда талаб ва таклифга валюта бозорида асосланади. Бу назария ўз вақтида Д.Рикардо ва Г.Кассел ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Талаб ва таклиф қонунига асосан халқаро жаҳон бозорини субъекти бўлган товарлар истеъмол бозорларида катта фарққа асосланган нархларда сотилмайди. Агарда нархлар ўртасидаги фарқлар катта бўлса, бу ҳолат олибсотарчиликка йўл қўйилади. Аммо у оқибатда товарлар нархларини мувофиқлашувига олиб келади. Халқаро савдода товарларнинг ўзаро товар ва пул шаклида алмашуви бир валюта курсида сотилиши солиқ ва тарафдан тозаланганлиги бир хил даражада бўлишига валютани харид қилиш паритети деб таърифланади. XX асрнинг 70-80-йилларида БМТ статистика департаменти валютани харид қилиш портрети услубини ишлаб чиққан ва у халқаро ҳисобкитобларда қўлланилмоқда. Услубнинг асосий вазифаси яппи ички маҳсулотни мамлакатлар ўртасида таққослашда фойдаланилади.

Валютани харид қилиш қобилияти товар ишлаб чиқариш хўжалигининг иқтисодий ҳолатини товар ишлаб чиқарувчи субъектлар билан халқаро жаҳон бозори ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларини ифодалайди, деб таъриф бериш мумкин. Чунки ишлаб чиқариш муносабатларининг товар ва пул шаклида субъектлар ўртасида ўзгариши фақат иқтисодий муносабатларда амалга ошади.

МОЛИЯ ВА СОЛИҚ

Қиймат муносабатлари мамлакатларнинг валюталарини таққослаш асосида амалга ошади. Миллий валюталарда товарларга ўлган нархларни солиштириш асосида ишлаб чиқаришни қайси соҳалар бўйича ривожлантириш зарурлиги аниқланади.

Назарияга асосан бир товарнинг миллий валютадаги нархи иккинчи мамлакатнинг шундай товарига белгиланган нархи валюта курсида тенг бўлиши керак.

Доц. И. Сирожиддинов,
доц. Р. Ботирова

Кичик бизнесда соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби зарурлиги ва уни ташкил этишининг айрим масалалари

Мақолада кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг соддалаштирилган шакллари ва усулларидан фойдаланиш масалаларига эътибор берилган.

В статье особое внимание уделяется вопросу организации бухгалтерского учета и использования его упрощенных форм и методов на предприятиях малого бизнеса.

The article drew attention to the organization of accounting and the use of simplified forms and methods in them for small businesses

Калитли сўзлар: кичик бизнес, бухгалтерия ҳисоби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, корхона фаолияти.

Иқтисодиётимизнинг реал секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салмоғи жадал ортиб бормоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат доирасида иқтисодий ўсишни таъминлашда янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда” [1].

Кичик бизнес корхонасини самарали бошқариш тезкор ва аниқ ахборот базасига таяниши лозим. Маълумки, иқтисодий ахборот ташқи муҳитдан (бозордаги аҳвол ҳақидаги маълумотлар, ҳуқуқий нормалар, соҳадаги оид расмий қоидалар ва маълумотлар, статистик маълумотлар, биржалар ва банклар маълумотлари ва бошқалар) ва корхонанинг ўзидан (биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари) олинади [2].

Кичик бизнес субъектлари ўз хўжалик-иқтисодий фаолиятини мустақил равишда олиб борадилар. Уларнинг кўпчилиги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан шаклан бизнес эгаларининг корхона мажбуриятлари бўйича тўла жавобгарлигини назарда тутди. Фақат акциядорлик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамият кўринишидаги корхоналарда уларнинг эгалари иқтисодий масъулияти капиталга қўшилган улуш доирасида чеклаб қўйилган.

Корхона фаолияти натижалари бўйича тўла моддий масъулият корхонани бошқариш жараёнига нисбатан юксак талаблар қўяди. Менежмент корхонанинг мол-мулкни асрашга ва кўпайтиришга, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, даромадларини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Кичик бизнеснинг яна бир хусусияти шундаки, унда бошқарувчилар билан ишчи-ходимлар ўртасида ҳеч қандай оралик бўғинлар мавжуд эмас, кўпинча бошқарувнинг ўзи ҳам ишчи-ходимларга хос функцияларни ҳам бажаради. Демак, кичик бизнес корхонасида ходимларнинг иш ҳақи корхона даромадларининг алоҳида шакли сифатида намоён бўлади. Корхона даромадлари ошиши билан ходимларнинг иш ҳақи ҳам ошади. Корхона эгасининг даромади фақат фойда билан чекланмайди, балки унинг ўзи ва оила аъзолари